Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 234 (6. 425) ◉ 1987 йил 15 октябрь, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Меҳнат зафарларимиз — Улуғ Октябрга!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ҲАР БИР КИШИНИНГ ЮКСАК САМАРАЛИ МЕҲНАТИ,УМУМИЙ ИШГА ҚЎШАДИГАН РЕАЛ ҲИССАСИ БИЛАН СОЦИАЛИСТИК ВАТАННИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК, 1987 ЙИЛ ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙЛИК! ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ВА НОВАТОРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

БАЙРАМОЛДИ ВАХТАСИДА

Бугун «Главташкентстрой»га қарашли «Ташинжстрой» трести 7-қурилиш бошқармасининг мастер С. П. Сомалюк бошчилигидаги даҳимчилар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада яна бир зафар қучди. 80 минг сўмлик ўринга 90 минг сўмлик иш бажариб, ўн ойлик топшириқни бажарди.

Бу коллектив генерал Петров кўчасида бунёд этилаётган врачлар малакасини ошириш институти биноси қурилишида меҳнат қилмоқда.

Бригада деярли катта эмас. 110 кишидан иборат. Ҳаммаси бир нечта касб эгаси.

— Биз дақиқалардан унумли фойдалаяпмиз, — дейди бригада бошлиғи В. Г. Локтев. — Ўзим 30 йилдан бери шу касбни эъзозлаб келаман, йиллик планимиз 960 минг сўм. Имкониятлардан фойдаланиб яна 180 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилганмиз. Бу бизнинг Октябрь байрамига тўёнамиз бўлади.

Тўрт уй тайёр

Бугун «Бошлиқ», Юнусобод, «Ғалабанинг 40 йиллиги», «Қўйлиқ» турар-жой массивларида 9 қаватли турар-жой бинолари фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Қурилиш ишларини «Главташкентстрой»га қарашли 3-уйсозлик комбинати бинокорлари олиб боришди.

Пардоз ишларини 2-пардозлаш ишлари бошқармасининг сайқалчилари бажаришди. Бежирим, кенг хонали, балконли бу бинолarни давлат комиссияси яхши баҳоларда қабул қилиб олди.

Болалар маскани

Бугун Юнусобод массивининг 8-кварталида 640 ўринли болалар маскани фойдаланишга топширилди.

Замонавий типда қурилган бу боғчани «Главташкентстрой»нинг 159-трестига қарашли 70-қурилиш бошқармаси азаматлари муддатидан бир ой илгари совға этишди.

Ҳозир Тошкент шаҳрида 637 та болалар маскани бўлиб, уларда 157 минг фарзанд тарбияланмоқда. 1987 йили 3680 ўринли 10 та болалар боғчаси фойдаланишга топширилиши планлаштирилган.

ТОШКЕНТ — ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Тошкент оқшоми» мухбирлари оталиқдаги Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар берадилар.

«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 14 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён		
Хоразм	1,35	62,32
Бухоро	2,72	50,39
ҚҚАССР	1,65	47,67
Сурхондарё	1,75	45,88
Фарғона	2,56	36,05
Қашқадарё	1,49	33,28
Тошкент	4,18	32,77
Андижон	1,31	26,88
Жиззах	2,04	26,61
Сирдарё	2,35	26,37
Навоий	1,90	26,34
Наманган	1,61	26,23
Самарқанд	1,52	24,22
Республика бўйича	2,02	35,98

БИЗ ҲАММАМИЗ–ПАХТАКОРМИЗ

БЎЛАЖАК МЕДИКЛАР ҒАЙРАТИ

— Бугун тушликда нима овқат еймиз? — деб сўрашди даладан келган курсдошлари ошпаз Наргизадан.

— Жаркоб, — деди хушхабарли таом тайёрлаган Наргиза Алимова табассум билан.

Атрофи тутзор билан ўралган дала шийпонида ҳашарчи-теримчилар тотли овқатни зўр иштиёқ билан тановвул қилишгач, яхши ҳордиқдан сўнг яна далага отландилар...

Тошкент Давлат медицина институтининг стоматология факультети студентлари Жиззах областининг Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхози меҳнаткашларига яқиндан ёрдам беришмоқда.

— Факультетимиз студентлари шаънига ҳар қанча илиқ сўзлар айтса арзийди, — дейди факультет деканининг ўринбосари Сайфуддин Алимов. — Ҳар йилгидек бу йил ҳам институтимиз, шу жумладан факультетимиз ёшлари ва педагогик коллективи зиммаларига катта мажбуриятлар олишган. Бу мажбуриятларни ортиғи билан бажаришга интилямиз. Далада ҳали ҳосил мўл. Унинг бир мисқолини ҳам нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда биз ҳашарчиларнинг катта меҳнати талаб этилади.

Дарҳақиқат шундай. Ҳозирги вақтда факультетдаги илғорлар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Факультетнинг 401-группа студентларидан Олима Насуллаева, Одилбой Юсупов, 405-группадан Омонбой Давлатов, Бахтиёр Бердиев ва Обид Аҳмедовлар бир кунда 160—180 килограммдан «оқ олтин» териб, курсдошларига ўрнак бўлишмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бу ерда студентларнинг меҳнат қилишлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Телевизор орқали берилаётган кўрсатувлар, турли чолғу асбобларининг наволари, ишдан кейинги дискотекалар студентларга завқ-шавқ бағишламоқда. Ёш медиклар ҳар кунги газеталар билан ҳам танишиб боришмоқда.

Қуёш нурлари тоғ ортига беркиниши ҳамон, ҳашарчилар маданий ҳордиқ чиқаришга чоғланишади. Ҳар галгидек кимдир рубоб чалиб қўшиқ айтади, кимдир рақс тушади. Улар бугун ҳам ўз меҳнатларидан мамнунлар. Ахир «яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деб бежиз айтишмаган.

Д. ЖАЛОЛОВ,
С. МАМАЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: ҳашарчи медиклар теримда ва дам олиш соатларида.







МАДАДКОРЛАР


«Главташкентстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-автотранспорт корхонаси коллективи қишлоқ билан амалий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор бермоқда. Буни коллектив оталиққа олган Жиззах область Арнасой район Ворошилов номидаги совхоз деҳқонларига кўрсатилаётган ёрдам мисолида очиқ-ойдин кўриш мумкин. Ушбу хўжаликда автокорхонанинг комплекс бригадаси мунтазам иш олиб бормоқда. Жумладан, август ойига қадар мазкур бригада 25 терим агрегати, 20 тележка, 15 та пахта тозалаш машинаси, 10 кўрак чувиш агрегатларини сифатли ремонт қилиб теримга шай қилиб қўйди.

Бригада жонкуярлари Қ. Набиев, А. Утабоев, Н. Ахроров, Э. Худойназаров сингари комсомоллар совхоз хирмонига ҳар куни 60 килограмм ўрнига 110—120 килограммдан «оқ олтин» териб топширишга муваффақ бўлмоқдалар. Бригаданинг оталиқ ёрдамни кўрсатиш бўйича юбилей йилидаги режалари ҳам улкан. Жумладан, шу йил бригада аъзолари хўжалик ишларини яхши йўлга қўйиш, ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш учун талай тадбирларни амалга оширди.

Корхона ҳисобидан битта автомашина совхоз ишчилари ихтиёрига берилди.

Энг муҳими — бу амалий ёрдам корхонанинг ҳар иш кунида, ҳар бир муваффақиятида ўз ифодасини топмоқда. Шунинг учун совхоз пахтакорлари корхона коллективидан миннатдордир.

Замондошимиз



ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Шоиста Аҳмедованинг ўз меҳнат фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо ўз ишига муносабати, қайта қуриш ва жадаллаштириш даври вазифаларини тушуниши жиҳатидан у ҳамкасблари ўртасида ажралиб туради. КПСС Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасида ҳозирги қайта қуриш ва жадаллаштириш даврининг вазифалари ойдин белгилаб берилди. Қотиб қолган форма, метод ва одатларни бузиш, қайта қуриш учун курашиш, бу ишда фидойилик қилиш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Айниқса ёшларга катта умид билан қаралаётгани, уларга мустақил ишда ўзларини тўлароқ намоён этишлари учун имконият бериш даркорлиги, ёшларнинг ҳақиқий йўлбошчиси — комсомол учун кенг фаолият майдонини очиб бериш зарурлиги тўғрисида айтилган фикрлар Шоистага жуда маъқул тушган.

У 1983 йилда 40-ўрта мактабни битиргандан кейин ТошПИнинг энергетика факультетига ўқишга кирди. Айни пайтда «Узгипрогаз» лойиҳалаш институтида ўз фаолиятини бошлади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билимини оширмоқда бормоқда. Мана, уч йилдирки, у лойиҳалаш институтида электрон-ҳисоблаш машинасининг оператори бўлиб ишламоқда.

Комсомол аъзоси ҳозирги пайтда Улуғ Октябрь 70 йиллигининг муносиб кутиб олиш учун мусобақанинг олдинги сафида боряпти. Қандай топшириқ берилмасин, унн сидқидилдан адо этишга, виждонан меҳнат қилишга интиляпти. У ғайрат-шижоатли, камчиликларга эса муросасизлар. Шоиста Аҳмедова меҳнатда ўзини кўрсатяпти, коллективнинг барча ишларида фаол қатнашяпти. У қийин ва мураккаб касбни танлаган, бироқ ўз ишига меҳр-муҳаббат туфайли касбига онд топшириқларни ҳамиша завқ-шавқ билан бажаради.

СУРАТДА. Ш. Аҳмедова.

Т. Карнмов фотоси.

17 октябрь— коммунистик шанбалик куни

Режалар аниқ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбаликда Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-нон заводи коллективи ҳам фаол иштирок этишга аҳд қилди.

Корхонада шанбаликни ўтказувчи штаб тузилган. Меҳнат байрами куни заводда юз тонна турли хил сифатли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ҳамшаҳарларимиз дастурхонига етказиб берилади. Бундан ташқари кунлик ишлаб чиқарилаётган нон маҳсулотларининг ҳажмн 6 минг килограммга кўпайтирилади.

Шунингдек, кенг кўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Деворлар оқланиб, темир тўсиқлар бўялади. Кўргазмали агитация воситалари янгиланиб, ишлаб чиқариш цехларининг санитария ҳолати яхшиланади.

Шанбаликдан тушган 2 минг сўм маблағ беш йиллик фондга ўтказилади.

Р. АКБАРАЛИЕВ.

Илғорлар аҳди

Шанбаликда «Маликa» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4 мингга яқин ишчи-хизматчиси ўз иш жойларида меҳнат қиладн. 750 нафардан ортиқ инженер-техник ходимлар эса корхона территориясини ободонлаштириш ишлари билан машғул бўладилар.

Шанбалик кунн Соня Ягудина, Нурн Раҳматуллаева каби илғор ишчилар юксак кўрсаткичга эришишга аҳд қилганлар. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида бу илғорлар ўн иккинчи беш йиллик планн бажарилганлиги тўғрисида галаба рапортига имзо чекишга аҳд қилганлар.

Шанбалик кунн бош корхона, устки трикотаж фабрикасн филнал ва участкаларининг потокларидан жамн 85 минг сўмлик турли хил устки ва ички трикотаж буюмлари тушади.

М. АВЕРИН.

Беллашув ғолиблари

Тошкент тўқимачилик комбинатида социалистик мусобақа анъаналари кенг қулоч ёймоқда. Мусобақа шартлари нафақат фабрикаларда, балки цех ва бригадаларда ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Корхона касаба союз комитети илғорлар сафини янада кўпайтирнш, аҳолнни сифатли товарлар билан таъмнплаш борасида катта ғамхўрлик қилмоқда. Яқинда корхонада ўтган ой якунларн кўриб чиқилди. Ип-йигирув фабрикасининг ғалтакка ип ўраш цехи коллективи пландаги 234330 дона ғалтак ип ўрнига 245075 дона ғалтак ип ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Бу эса ойлик планнн 4,8 процентга ошириб бажарнш имконинн берди.

Биринчи йигирув-тўқув фабрикасида эса Х. Қорабоев бошлиқ саралаш-титнш цехи мусобақа ғолибн бўлди. Бу цех аҳли план топширнғнни 118 процент бажариб, қўшимча 81,7 тонна ярим фабрикат ишлаб чиқарди. Меҳнат унумлорлнги эса 104,2 процентни ташкил этди. Шуннигдек шу цехга қарашли Л. Соғиндиқова бошлиқ комплекслашган саралаш-титнш бригадасн 228,5 тонна ярим фабрикат ишлаб чиқариб, план топшнрнғнни 114,4 процент адо этди. Маҳсулотнинг барчаси аъло деб топилди.

Б. ОРИПОВ.

Осмонўпар бино

Бугун Акмал Икромов районида энг баланд бино қурилиши бошланди. Бу бино 15-кварталдаги 16 қаватли 128 квартирали турар жой бўлиб, биринчи қаватига савдо шохобчалари жойлашади.

Бинокорлик ишларини «Главташкентстрой»нинг 12-трестига қарашли «Тошкент» механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари олиб боришмоқда.

Трест бинокорлари 9 ва 12 қаватли бинолар қурилишига ихтисослашган.

Тонгги газеталарда

● «Революция партняси — қайта қурнш партняси» сарлавҳаси остида ўртоқ М. С. Горбачевнинг Ленинград партия ташкилоти актнвлари билан учрашувда сўзлаган нутқи эълон қилинган.

● Ўртоқ М. С. Горбачевнинг В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди таъсис конференциясига табриги берилган.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев 14 октябрь кунн Югославиядан келган Хорватия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Младен Жувела бошчилик қилаётган партия ходимлари делегациясини қабул қилди.

● 1987 йил 13 октябрь кунн Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон ССРнн иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат планн ва республика Давлат бюджетн бажарилишини таъминлашга ҳамда халқ хўжалигини 1988 йилда барқарор ишлашга тайёрлашга онд тадбирлар муҳокама қилинди.

АТС бунёд этилмоқда

Бугун «Бошлиқ» массивида 10 минг абонентга мўлжалланган автоматик телефон станциясини бунёд этишга киришилди.

Бу бино 3 қаватли бўлиб, «Бошлиқ», Иваново тўқимачилари массивлари аҳолисининг телефонга бўлган эҳтиёжини қондиради. Бунёдкорлик ишларини «Главташкентстрой»нинг 12-трестига қарашли 50-қурилиш бошқармасининг В. Арзамасов ва В. Иванов бошлиқ комплекс бригадалар кўтаринки руҳ билан бошлашди.

Янги АТС 1988 йил IV-кварталида фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Шахмат

КАСПАРОВ—КАРПОВ МАТЧИДА

Атиги бир юришга салкам бир ярим соат вақтини сарфлаган шахматчини кўрганмисиз? Ушбу матч регламентига кўра гроссмейстерлар бир кунда жаъми беш соат ўйин билан банд бўладилар. Шу вақт орасида камида 40 юриш қилиниши шарт. Улгуролмаган томон мағлуб деб топилади. Қўшалоқ соатнинг биттаси оқларники бўлса, иккинчиси қораларники. Бирининг тугмаси босилса, нариги юра бошлайди. Иккинчи партияда оқ доналар билан ўйнаган Гарри Каспаров ихтиёридаги икки ярим соат вақтнинг ярмидан кўпини битта, яъни ўнинчи юришга сарфлади-я. Тахтада содир бўлган вазият шуни талаб қилиб қолганди.

Жаҳон чемпиони энг тезкор шахматчилардан бўлиб, шу муҳлат орасида қанча юришу, қанча вариантларнинг ҳисобини чиқаргани таҳсинга ўзига аён. Охири тенгка суриб берилган пиёдани олмасликка қарор қилди. Аммо у сипоҳлар жойлашувидаги яққол афзалликдан осонроқ фойдаланиш йўлини танлаб янглишганини кейин билди. Энди қоралар ёпириб кела бошладилар. Ўйнаш учун вақт танглигида ҳимоя чораларини топиш мушкул бўлиб қолди. Учрашув 32-юришдан сўнг Карповнинг ғалабаси билан тугади.

Эртага ўйналадиган учинчи партияда оқ доналар Карповнинг ихтиёрида бўлади.

ЖЎШҚИН ҲАЁТ ЛАВҲАЛАРИ

Бугун Тошкентдаги темирйўлчилар маданият саройида Ўзбекистон Журналистлар союзининг Тошкент ташкилотн ташаббуси билан рассомларнинг Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган асарлар кўргазмаси очилди.

Тошкент ташкилотн қошида узоқ йиллардан бери ишлаб турган рассомчилик секцнясн ўз атрофида кўплаб истеъдодли мўйқалам усталарини бирлаштирган. Бу секция республика газета ва журналларида ҳамда нашрётларида меҳнат қилаётган безакчи рассомларнинг ижодий кўрикларини ўтказиб турадн.

Кекса рассомлардан бирн Берта Дмитриевна Штин ўзининг ҳаётбахш расмларн билан «Гулистон», «Гулхан», «Ёшдик», «Ёш куч» журналларн, «Ёш ленинчи»ни ва «Комсомолец Узбекистана» газетасн саҳифаларида қатнашиб келмоқда. Унинг Чорвоқ сув омбори, Кумушкон дараси манзаралари, ёзувчилар Василий Биков ва Мирмуҳсин асарларига ишлаган безакларн намойишга қўйилган.

Улуғ Ватан урушн жангларида қатнашган фронтчи рассомлар И. Цнганов, Г. Ткачев, Г. Бедарев, И. Роподзеенко ва бошқалар ҳозирда ҳам жўшқин ижодни давом эттирмоқдалар. Уларнинг асарларида Ватан ҳимоясн учун бўлган машаққатли кураш лавҳаларн ва тенгсиз жангларнинг қаҳрамонларн портретларнни кўрнб илҳом олнш мумкин. Уларнинг асарларн кўргазманинг кўзга кўринарли жойларидан ўрин олган.

Бундан ташқарн бнр қатор безакчи рассомларнинг асарларида шу кунниинг жўшқин воқеаларн ўз ифодасини топган. Кўргазма Улуғ Октябрь байрамн кунларнгача намойнш этнлади.

Мусобақа оммавий ва таъсирчан бўлсин

ХАР бир ишни расамади билан адо этган ва юксак натижаларга эришаётган кишиларни омилкор дейишади. Бундай одамлар Тошкентдаги 2502-автоколонна коллективида ҳам кўплаб топилади. Ана шуларнинг ғайрат-шижоати, тажрибаси ва маҳорати туфайли кўплаб зарур халқ хўжалик юклари белгиланган жойларга ўз вақтида етказиб берилмоқда, шу билан бир вақтда ёнилғи ва мойлаш материалларини иқтисод қилиб қолишга эришилмоқда.

Ғаппорбек Абдураҳмонов бошчилик қилаётган ҳайдовчилар бригадаси азаматлари ана шу борадаги ишлари билан ҳам, Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун кун сайин авж олаётган социалистик мусобақада қўлга киритаётган ютуқлари билан ҳам тилга тушган кишилардир.

Коллективнинг меҳнат фаолияти аввало бригада бошлиғининг қандай эканлигига боғлиқ. Ундаги 25 кишининг ўз характери, имкониятлари ва камчиликлари бор. Олдинда турган вазифа эса умумий. Шу боисдан ҳамма ишни келишиб, ортиқча сўзга ўрин қолдирмай ҳал этишга ўрганиш лозим.

— Бригада бошлиғи этиб тайинланган дастлабки вақтимда анча қийинчиликларни енгишга тўғри келди, — дейди биз билан суҳбатда ҳайдовчи Ғ. Абдураҳмонов. — Лекин автоколонна маъмурияти, отряд бошлиқлари, қолаверса тажрибали кишилар менга ҳар томонлама ёрдам беришди, мен улардан минатдорман.

Ҳа, қийинчиликлар бўлди, албатта. Чунки бригада ташкил этилган 1980 йилнинг январь ойидан бошлаб самарали усул — бригада пудрати асосида ишлай бошлади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, бутун коллективнинг пировард иш натижаси ҳар бир ҳайдовчининг меҳнатига боғлиқ ва аксинча. Ғаппорбек Мақсудбекович бригадирлик фаолиятини дастлаб бошлаган кунданоқ ҳайдовчилар олдида турган вазифаларни коллектив аъзоларига тушунтирди, ўзи ҳам ўқиб ўрганди. Касбини ҳар томонлама пухта эгаллаб олгач, тажрибасини ёшлар билан баҳам кўрди.

Ташаббусга қўшилиб

Ўша йилиёқ автоколонна маъмурияти, ҳайдовчилар бригадаси ва «Главташкентстрой»га қарашли 1-механизация бошқармаси ўртасида уч томонлама пудрат шартномаси тузилди. Унда ҳар бир томон ўз устига конкрет мажбуриятлар олди. Шартноманинг бирор банди бажарилмай қолганда томонларга нисбатан «кўриладиган чоралар ҳам белгилаб қўйилди. Бригада ҳайдовчилари зиммасига уй-жой қурилиши объектларидан тупроқ ва бошқа қурилиш материалларини ташиш вазифаси юкланди.

Меҳнат фаолияти давомида ҳар хил воқеалар, планнинг бажарилмаслиги, қиш пайтида графикнинг бузилиши юз берди. Бироқ кейинчалик кўрсаткичлар яхшиланди, хатолардан тўғри хулоса чиқарилди. Бир вақтнинг ўзида меҳнат, технология интизомини мустаҳкамлаш бўйича кураш олиб борилди. Бригада аъзолари Тошкент магистралларида автомашинани намунали бошқаришлари учун чоратадбирлар кўрилди. Коллективда янги маънавий муҳит вужудга келди. Умуман бригада иши учун астойдил жон куйдириш, ҳар қандай вазиятда ҳам бир-бирига ёрдамга келиш фазилати белгиланган топшириқ ва социалистик мажбуриятларнинг мунтазам ортиғи билан бажарилишини таъминламоқда. Бригада составида ҳозир смена ва ойлик топшириқларини бажармайдиган бирорта ҳам ҳайдовчи йўқ. Абдуғафур Эгамбердиев, Виктор Шуховцев, Юсуф Зуфаров, Равшан Саитов, Ҳаким Абдусатторов, Абдулла Тўлаганов ва бошқалар план топшириқларини мунтазам 150—170 процент адо этиб, коллектив муваффақиятига катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўз касбининг устаси бўлган ана шундай кишиларнинг фидокорона меҳнати туфайли бригада коллективи автоколоннада ташкил этилган социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда. Рақамларга мурожаат қилайлик. Шу йилнинг ўтган ярим йилида бригада азаматлари планда белгиланган 140,7 минг тонна ўрнига 181,0 минг тонна юк ташишга эришдилар. Юк оборотининг планининг бажарилиши 152,4 процентга етказилди. Паркдан фойдаланиш коэффициенти энг асосий кўрсаткичлардан биридир. Аҳил коллективнинг бу борада қўлга киритаётган ютуқларига кўпчиликнинг ҳаваси келмоқда. Бригада бўйича бу кўрсаткич пландаги 0,660 ўрнига 0,809 ни ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда план 122,6 процент уддаланди.

Коллектив эришаётган барча муваффақиятларда бригада бошлиғи Ғаппорбек Абдураҳмоновнинг ҳиссаси салмоқлидир. Мана 17 йилдирки, у ҳайдовчилик касбини эъзозлаб келмоқда. Ўз устида тинимсиз ишлаб, маҳоратини ошириб, 1-класс ҳайдовчиси бўлди. Автоколоннага ишга ўтганига ҳам етти йилдан ошди. Фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатганлиги, жамоат ишларидаги фаол иштироки билан ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор топди. Коллектив коммунистлари 1986 йилда уни ўз сафларига қабул қилдилар.

Бундай юксак ишонч янада баракали меҳнат қилишга ундади. Энг аввало у коммунист сифатида, қолаверса бригада раҳбари сифатида ҳар бир ишда ўрнак бўлиши лозимлигини жуда яхши тушунади.

Ўн иккинчи беш йиллик бошидан бери илғор ҳайдовчи пландаги 24,1 минг тонна ўрнига 31,5 минг тонна юк ташишга эришди. Бошқача қилиб айтганда, у кўзда тутилганидан 7,4 минг тонна кўп юк ташиб, ҳозирги кунда 1987 йилнинг декабрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Тежамкорликда орттирган тажрибаси ҳам кўпчиликка намунадир. У беш йилликнинг ўтган даври мобайнида 500 литрга яқин ёнилғини иқтисод қилиб қолишга эришди.

Л. МАТКАРИМОВА,
«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси пропаганда бўлимининг катта инженери.



Шу кунларда Тошкентдаги барча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат коллективлари Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Бунинг учун цехларда, участкаларда, бригадаларда ташкил этилган социалистик мусобақанинг самараси аҳамиятли бўлмоқда. Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида чеварлар аҳоли учун сифатли буюмларни тайёрлашга эътиборни қаратишяпти. Шунинг учун ҳам корхона цехларида тикилган эркаклар костюмлари магазинларда харидорларга манзур бўлмоқда. Айни чоқда меҳнат аҳли 17 октябрь куни бўладиган коммунистик шанбаликка ҳозирлик кўрмоқда.

СУРАТДА: шанбаликда смена топшириғини 130 процент бажариш иштиёқида бўлган 3-цехнинг илғор тикувчилари комсомол аъзолари [чапдан-ўнгга] Феруза Тожмуродова ва Машкура Мирзаахмедова.

М. Нуриддинов фотоси.

Инсон омилига эътибор

Коммунист А. Исоқов уйига бир олам қувонч билан кириб келди. Хурсандлигидан у ер-кўкка сиғмас эди. Пешвоз чиққан турмуш ўртоғини янгликдан хабардор этиши билан уй соҳибасининг илиқ табассумига байрамона кайфият қўшилди. Бундан бутун хонадон ёришиб кетгандек бўлди.

Қурувчи А. Исоқов «Главташкентстрой»га қарашли 4-трестда кўп йиллардан бери меҳнат қиларди. У бир неча йил муқаддам янги квартира беришларини сўраб трест касаба союз комитетига ариза ёзган эди. Айрим пайтларда бунёдкорларда турли саволлар туғилар эди. «Ўзимиз қурувчи бўлсак-у, топшираётган биноларимиздан квартира ололмасак. Неча йиллаб навбат кутсак. Наҳотки бу масалани ҳал этишнинг иложи топилмаса!».

Мана ниҳоят унинг, дўстларининг орзуси ушалди. Яқинда барча қулайликларга эга бўлган уйининг калитлари А. Исоқов ва унинг яна 19 нафар ҳамкасбига топширилди. Умуман ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили бошида трестнинг 170 нафар қурувчиси уй олувчилар рўйхатида турган эди. Ўтган олти ой ичида эса шулардан 56 нафари янги биноларда ҳовли тўйларини ўтказди.

Қурилиш трестида инсон омилига эътибор тобора яхшиланиб бораяпти. Бу борада трестнинг партия комитети катта ишларни амалга оширди. Унинг ташаббуси билан трестнинг бунёдкорлари учун турар жой бинолари қуриш йўлга қўйилди. Бундан бир неча йил илгари навбатда турувчилар сони уч-тўрт баравар кўп эди. Шу боисдан кадрлар қўнимсизлиги ўсиб, иш унумдорлиги пасайиб кетган. Шунда партия ташкилоти, коммунистлар юзага келган уй-жой муаммосини ҳал этиш устида бош қотирдилар. Ниҳоят партия комитети Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларидаги қатор корхоналарнинг ўз кучи билан уй қуриш тажрибасини ўрганди. Хўжалик ҳисобига ўтиб иш юритаётган бинокорлар тезда бу вазифани бажаришга киришдилар. Трест партия комитети танлаган йўлининг оқилона эканини қуйидаги мисол ҳам исботлаб турибди.

«Главташкентстрой»га қарашли 4-трест билан қўшни бўлган «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари А. В. Перушкининнинг айтишича қараганда ўтган ўн биринчи беш йилликда бор-йўғи 51 квартира бирлашманинг ишчи-хизматчиларига ажратилди. Бу эса навбатда турганларнинг 12 процентининга талабн қондирилди, деган сўз. Шу кунларда фақатгина «Ташкентқабель» заводининг ўзида 312 кишн квартира олиш учун навбатда турибди. Қўшниларининг иш тажрибасидан ибрат олишга киришган коллектив соцнал масалаларни эндигина ҳал этиш учун маблағ ажратди. Эндиликда корхона қурилиш бошқармалари билан шартнома тузаяпти.

4-трестнинг тадбиркор коммунистлари, бинокорларн айни кунларда яна бир 48 квартирали турар жой бинослнинг сўнгги қаватларида монтаж ишларини жадаллик билан давом эттираяптилар. Зарур бўлганда эса ҳашар уюштирилмоқда. Йил охиригача яна йигирмага яқин қурувчилар онласи шинам ва қулай квартираларга кўчиб кирадн.

М. ДАМИНОВ.

Илғорликка интилиб

Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейига барча меҳнат коллективлари қатори Тошкент тўқимачилик комбинати ишчи-хизматчилари ҳам зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилиб ишламоқдалар. Уларнинг кўпчилиги 7 ноябрга қадар ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили план-топшириғини уддалашга астойдил аҳд қилишган. 1-тўқув фабрикасининг пешқадам тўқувчиси Галина Частухина ҳам ана шундай илғор ишчиларнинг бири. Унинг мақсади юксак маррани эгаллаб, йил охирига қадар қўшимча 55 минг метр хом сурп тўқиб чиқаришдир.

Айни кунларда моҳир ишчи нормадаги 31 та ўрнига 36 та тўқув дастгоҳига самарали хизмат кўрсатмоқда. Бунинг эвазига у смена нормаларини мунтазам ортиғи билан адо этиб бораётир. Биргина ўтган ой мобайнида Галина Ивановна тўқиган газлама 24 минг 534 метрни ташкил этди. Сифат кўрсаткичи эса 98,8 процентдан кам бўлмади.

— Галина Частухина цехимиз фахри, —дейди 1-цех бошлиғи Одил Шокиров. — Шу боисдан ҳам унга катта бир коллективни ишониб топшириб қўйганмиз. Улар қийин шароитларда ҳам ҳар қандай муаммони бартараф эта билиши билан бошқа бригадалардан ажралиб туради. Айниқса, ишчи кучи танқис бўлган кезларда ҳам қийинчиликлардан нолишмайди. Бундан бир ой илгари корхонага қарашли 45-ҳунар техника билим юртидан бир группа ўқувчилар келишганди. Ўша 19 та қиздан бригадада атиги ҳозир олтитаси қолди холос.

— Ҳа, цех бошлиғининг гапларида жон бор, — дея қўшимча қилади бригада бошлиғи Галина Ивановна.— Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда деярли учта комплект ишчи кучисиз қолган. Баъзи дастгоҳлар бекор ётибди. Қўлимиздан келганича бўш дастгоҳлардан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Филиалдан бешта қизни ёрдамга беришганди. Лекин уларда на тажриба ва на маҳорат бор. Келганларига бир ойдан ошдию, эндигина 18 та дастгоҳга хизмат кўрсатишни ўрганишди. Ишни бугунги кун талаби даражасига кўтариш учун биргина кадрлар масаласини ҳал қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Шу билан биргаликда меҳнат интизомини ҳам қатъий йўлга қўйиш керак.

Тажрибали ишчи бошчилик қилаётган коллективга 44 ишчи уюшган. Улар саккизта комплектга бўлиниб ишлашади. Уларнинг ҳар бирида бригада муваффақиятини таъминлаб келаётган тажрибали моҳир тўқувчилар кўп. Любовь Мусатова, Галина Субботина, Света Лапшина, Одила Мусаева ва Вера Ивахенколар айни кунларда ойлик планларни 110 процентга адо этишмоқда. Шуниси қувончлики, уларнинг барчаси юқори зичликда, нормадан ортиқ дастгоҳларга хизмат қилишади.

Ишлаб чиқаришнинг прогрессив усули —бригада пудрати ҳар бир ишчидан ҳамма билан баробар ишлашни талаб этади. Яъни бир киши ҳамма учун — ҳамма бир киши учун меҳнат қилиши шарт. Лекин бу деган сўз кимдир жон куйдириб ишлаши, кимдир хоҳласа ишга келмай юрсин деган маънони бермайди, албатта. Коллектив аъзолари ана шундай муроссасиз ҳолга қарши кураш бошлашган.

— Меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилмаган жойда қандай қилиб қайта қуриш бўлиши мумкин, — дея гапида давом этади бригадир Галина Ивановна. — Айни кунларда бригадамиз аъзоларининг ҳар бирига ана шундай фикрни сингдираяпмиз. Прогулчилар ва ишга кечикиб келувчиларга қарши курашнинг турли усуллари қўлланаяпти. Ишчилар ҳам ҳозирги кун талабини чуқурроқ англаб бормоқдалар.

Биргина бригада бошлиғи Г. Частухинанинг шахсий меҳнат календарида октябрь ойининг сўнгги кунлари бошланди. У ўз зиммасидаги мажбуриятини уддалаши шубҳасиз. Бироқ, у бошчилик қилаётган коллективда ҳали муаммолар талайгина. Энг аввало бригадада яғона меҳнат интизомини қарор топтириш керак. Кейин эса ишчилар маҳоратини ошириш, мавжуд ускуналардан унумли фойдаланиш, сўнгра ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада яхшилаш талаб этилади.

Бунинг учун коллектив билан тинимсиз иш олиб бориш лозим. Қайта қуриш ва жадаллаштириш программасининг ўткир ҳаётий талабларини ҳар бир ишчининг онгига тўла етказиш керак. Қолаверса, ички муаммоларни ҳал этиб, иш вақтининг ҳар бир қимматли дақиқасидан унумли фойдаланиш зарур.

— Имкониятларимиз ҳам кам эмас, — дейди Г. Частухина. — Маҳоратли ишчиларимиз кам бўлишига қарамай, ойлик план-топшириқларни уддалаб келаяпмиз. Кўп йиллик бой иш тажрибасига эга бўлган тўқувчиларнинг бу борада амалга ошираётган ишлари айниқса бизга қўл келмоқда. Улар мураббийчилик ҳаракатини кенг авж олдириб, ёшларнинг қалбига яхши ишлаш сирларини қунт билан сингдирмоқдалар.

Сершовқин цехга кираверишдаги турнақатор дастгоҳлар бир зум бўлса-да, тиним билмайди. Улар орасида тўхтаб қолганлари ҳам йўқ эмас. Галина Частухина ўз дастгоҳларига сергаклик билан қараб, сўнг ўша тўхтаб қолган ускуналар томоң ошиқади. Уларни ишга туширгач, моҳир бригада етакчисининг ўткир нигоҳлари тўқувчи қизларга қадалади. Хуллас, смена ўз ишини тугатгунга қадар бригадир тиним билмай, бошқалардан ҳам шундай ишлашни талаб этади.

— Уни қолоқ бригадага ўтказиб, хато қилмадик, — дейди цех бошлиғи Одил Шокиров.

Ҳа, бригада қолоқликдан чиқиб, илғорлар сафига одимламоқда. Бундай қувончли натижанинг қайд этилишида коллектив сардори, моҳир тўқувчи Галина Частухинанинг ҳам ўз роли ва ўрни бор.

З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА,
кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетасининг ходими.

Ғолибларга бепул йўлланмалар

Яхши дам—меҳнатга ҳамдам

Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларининг яхши дам олиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасида намунали ишлар олиб борилаяпти. Бунинг учун корхона қошидаги маданият саройида бир қанча тўгараклар ташкил этилган. Кўплаб ишчилар эса дам олиш кунларини дам олиш зонасида унумли ўтказишади.

— Ҳар ойнинг бешинчи куниди, — дейди комбинат касаба союзи комитетининг раиси Т. Р. Бихно, — социалистик мусобақа якунлари бўйича ғолибларга бепул путёвкалар берилади. Ҳозирча ишчилардан 323 киши санаторийларда соғлиқларини тиклаб қайтишди. 99 ишчи эса дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди. 240 ишчи оиласи билан туристик сафарларда бўлишди. Комбинат санаторий-профилакторийсида 2021 ишчи дам олди.

Корхонада меҳнат қилаётган Улуғ Ватан уруши инвалидларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, улардан П. А. Вожан ва Е. Қорабоевларга «Ботаника» санаторийсида дам олишлари учун бепул путёвка берилди. Кекса ишчи Б. Ёқубовга эса «Ялта» санаторийсига бепул путёвка берилди. 16 киши имтиёзли путёвкалар билан таъминланди.

Д. ОБЛАЕВ.

Тарихнинг ўчмас саҳифалари

БУЗИЛМАС ДЎСТЛИК

Жаҳонда биринчи социалистик давлат бўлган Советлар мамлакати ўзининг 70-йиллигини дадил қарши олмоқда, қайта қуришнинг революцион жараёни тобора кенг қулоч ёйиб бормоқда. Бутун мамлакат ва шу жумладан республикамиз пойтахти меҳнаткашлари партиянинг қайта қуриш йўлини, КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь ва июнь Пленумларининг қарорларини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимизда миллий масалани ҳал этишга асос солди. Совет ҳокимияти йиллари давомида халқларнинг тенглиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги, бузилмас дўстлиги амалда тасдиқланди.

Тарихдан бизга маълумки, мамлакатимиз халқларининг 70 йил мобайнида босиб ўтган даврида қардошларча ҳамкорлик натижасида социализм ғалабаси таъминланди. Шу босиб ўтган йилларда бир қанча мураккаб вазифаларни биргаликда муваффақиятли ҳал этди.

Ушбу мақолада ана шундай ниҳоятда оғир вазиятлардан бири бўлган 1948 йил 6 октябрда Туркманистон Совет Социалистик республикасида содир бўлган кучли ер қимирлаш оқибатларини бартараф этишда ёрдами ташкил қилиш масаласи Тошкент шаҳар партия комитетининг диққат-марказида бўлди. Қардош республикада содир бўлган зилзила тўғрисида Тошкент аҳолиси орасида ёрдам бериш тадбирларини тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида райком секретарлари, шаҳар ва район совет ташкилотлари, медицина ва ўқув юртлари раҳбарлари иштирокида кенгаш ўтказилди.

Пойтахт партия ва совет ташкилотлари жароҳатланганларни қабул қилиб олиш, жойлаштириш ва уларга хизмат қилишда катта уюшқоқлик ва оперативлик кўрсатдилар.

Аэропортда ва темир йўл станцияларда зарур миқдорда медицина ходимлари ва санитария асбоблари билан таъминланган қабул пунктлари очилди. Санаторийлар, дам олиш уйлари, болалар муассасалари, касалхоналар бўшатилди ва Ашхободдан келадиганларни қабул қилиш учун 7500 ўрин тайёрланди. Ер қимирлашдан зарар кўрганларга жуда катта амалий ёрдам кўрсатиш учун Ашхободга самолётларда 207 кишидан иборат бўлган медицина ходимлари жўнатилди.

7 ноябрь куни Тошкентга катта транспорт самолётларда жароҳатланганлар кела бошлади.

Тошкент шаҳри ва республикадаги бошқа шаҳарларнинг жамоатчилиги катта ғамхўрлик қилди ва кўмак бердилар. Корхона, муассаса, олий ўқув юртлари ва мактабларнинг коллективлари оталиққа олдилар.

Тошкентнинг медицина муассасаларига ёрдам учун шимча 150 врач, 450 ҳамшира, медицина ходимлари, ёрдамчи хизмат кўрсатувчилар юборилди. Бундан ташқари қизил ярим ой жамияти аъзоларидан, тошкент студентларидан, медицина ўқув комбинатининг ўқувчиларидан иборат бўлган 200 киши юборилди. Медицина муассасаларига жароҳатланганларни олиб бориш учун 30 енгил, 12 санитар, 3 автобус жалб қилинди ва ишга турди. Касаллар жойлаштирилган медицина муассасаларга амалий ёрдам кўрсатиш учун 29 партия ва совет ходимлари бириктирилди. Бундан ташқари медицина пунктларига келаётганларни бетўхтов қабул қилиш ва жойлаштириш мақсадида, уларнинг доимий чавбатчилиги уюштирилди.

22 октябргача бўлган маълумотга кўра Тошкент ҳаммаси бўлиб 2036 кишини қабул қилиб олинди, шулардан 202 нафари болалар эди.

Тошкент Ашхободга минг сўмлик, Чоржўга 169790 сўмлик ва республиканинг бошқа шаҳарларига 61857 сўмлик дори-дармон, санитария асбоблари юборди. Тошкент шаҳарларининг касалларга ёрдам бериш учун медицина муассасаларига қўшимча равишда 199649 сўмлик дори-дармон ҳамда санитария асбоблари берилди.

Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари ер қимирлашдан зарар кўрганларга ёрдам учун шаҳар меҳнаткашларига зарур бўлган ёрдам бериш шаҳар комиссиясини тузди. Комиссия Тошентга келаётган яралиларни жойлаштириш ва уларга хизмат қилиш, медицина ёрдами кўрсатишни ташкил қилди. Шу билан бирга қисқа муддат ичида медицина ходимларидан иборат бўлган бригада тузилиб, шу куннинг ўзида самолётларда Ашхободга жўнаб кетди.

Туркманистонга ер қимирлаш оқибатларини бартараф қилишда амалий ёрдамни ташкил қилиш масаласи Тошкент шаҳар партия комитетининг диққат-марказида бўлди. Қардош республикада содир бўлган зилзила тўғрисида Тошкент аҳолиси орасида ёрдам бериш тадбирларини тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида райком секретарлари, шаҳар ва район совет ташкилотлари, медицина ва ўқув юртлари раҳбарлари иштирокида кенгаш ўтказилди.

Пойтахт партия ва совет ташкилотлари жароҳатланганларни қабул қилиб олиш, жойлаштириш ва уларга хизмат қилишда катта уюшқоқлик ва оперативлик кўрсатдилар.

Аэропортда ва темир йўл станцияларда зарур миқдорда медицина ходимлари ва санитария асбоблари билан таъминланган қабул пунктлари очилди. Санаторийлар, дам олиш уйлари, болалар муассасалари, касалхоналар бўшатилди ва Ашхободдан келадиганларни қабул қилиш учун 7500 ўрин тайёрланди. Ер қимирлашдан зарар кўрганларга жуда катта амалий ёрдам кўрсатиш учун Ашхободга самолётларда 207 кишидан иборат бўлган медицина ходимлари жўнатилди.

7 ноябрь куни Тошкентга катта транспорт самолётларда жароҳатланганлар кела бошлади.

Тошкент шаҳри ва республикадаги бошқа шаҳарларнинг жамоатчилиги катта ғамхўрлик қилди ва кўмак бердилар. Корхона, муассаса, олий ўқув юртлари ва мактабларнинг коллективлари оталиққа олдилар.

Тошкентнинг медицина муассасаларига ёрдам учун шимча 150 врач, 450 ҳамшира, медицина ходимлари, ёрдамчи хизмат кўрсатувчилар юборилди. Бундан ташқари қизил ярим ой жамияти аъзоларидан, тошкент студентларидан, медицина ўқув комбинатининг ўқувчиларидан иборат бўлган 200 киши юборилди. Медицина муассасаларига жароҳатланганларни олиб бориш учун 30 енгил, 12 санитар, 3 автобус жалб қилинди ва ишга турди. Касаллар жойлаштирилган медицина муассасаларга амалий ёрдам кўрсатиш учун 29 партия ва совет ходимлари бириктирилди. Бундан ташқари медицина пунктларига келаётганларни бетўхтов қабул қилиш ва жойлаштириш мақсадида, уларнинг доимий чавбатчилиги уюштирилди.

22 октябргача бўлган маълумотга кўра Тошкент ҳаммаси бўлиб 2036 кишини қабул қилиб олинди, шулардан 202 нафари болалар эди.

Тошкент Ашхободга минг сўмлик, Чоржўга 169790 сўмлик ва республиканинг бошқа шаҳарларига 61857 сўмлик дори-дармон, санитария асбоблари юборди. Тошкент шаҳарларининг касалларга ёрдам бериш учун медицина муассасаларига қўшимча равишда 199649 сўмлик дори-дармон ҳамда санитария асбоблари берилди.

Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари ер қимирлашдан зарар кўрганларга ёрдам бериш

Инсон одоби азиз

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.
Алишер НАВОИЙ.

Ахлоқ мавзуида

Камтарлик — фазилатлар зийнати

Мағрурлик қизиқ хусусиятга эга. Киши қанчалик қобилиятли: ўқимишли, ажойиб истеъдод эгаси, ҳатто қалби тоза бўлмасин — агар у ортиқча гердайса, юқоридаги барча фазилатлари камчиликка айланади.

Л. Н. ТОЛСТОЙ.

Табиат билан одам боласи қиёс қилинса бир-биригa ўхшашин ақлни ҳайратга солади. Шунда биз: «Инсон — табиат фарзанди» деган иборага яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Оддийгина бир мисол келтирайлик. Бир туп дарахтда қанча шох-шабба, қанча ранг, қанча гул-мева, қанчалаб сир-синоат бор. Агар дарахтда шулар бўлмаса, у бир қуруқ ёғоч, кесиб ташланса тўнка ҳолига тушиб қолар эди. Дарахт яшил япроғи, гуллаши, меваси, соя-салқини билан гўзаллик кашф этгандек агар таъбир жоиз бўлса инсон боласи ҳам ўзининг хислат-фазилатларн, ширин хулқ-одоби, инсоний пок туйғулари билан ўша ямшил мевали дарахтни эслатиб, ҳилқатлар ичида ягонадир. Одамдаги ҳамма яхши фазилатлар қаторида энг дурдонаси — камтарлик деб ҳисоблаймиз.

Ҳўш, камтарлик нима! Бу хислат инсон боласининг яшашига қандай наф келтиради! Бу хислат унинг ҳаётидаги ўрнини қай тарика белгилаб беради!

Камтарлик — инсон ўзлигини билишни, ўзгаларни ҳурмат қилишни, одамийликнинг: самимийлик, беғуборлик, меҳрибонлик, раҳмшафқатлилик, ҳаққонийлик, тўғрилик ва ростгўйлик каби нодир фазилатларни ўзида мужассам этади. Камтар одам эл-юртдан иззат-икром олиб, яна ўзи шу хислат-фазилатидан руҳланиб олға интилади, Ватанига, одамларга меҳр-муҳаббатли бўлиб ҳаётга яна ҳам сайқал беришни, кўпроқ наф етказишни, шунчалик бир марта бериладиган умрни мазмунли ўтказишни дилга жо этади ва буни эзгу меҳнати билан амалга ошира боради. Ана шундай қудратли руҳий кучдан етишган катта манфаатдан эл фаровонлиги ошади, камтар кишининг ўзи ҳам ҳаётдан етарли лаззат насибасини олади. Демак, камтарлик шундай гўзал фазилатки, у инсоннинг жамики ички куч-қудратини намоён этиб, уни моддий ва маънавий бойликка айлантиради.

Одам боласида қизиқ бир туйғу бўлади. Узинча хулқ-одобини ақл тарозусига қўйиб кўради-да: «Ҳа, мен камтарман, ҳеч кимга манманлик қилмайман» деб ташқи топади ва гавдало қилиб кетаверади. Ҳар бир ҳаракатнинг, айтадиган сўзини, кўпчилик билан муомала муносабатда ўзини тутишини, шароит-имкониятга қараб иш юритишини мулоҳаза ва назорат қилмаган одам, жилови қўйиб юборилган отдек бошқа йўлга, камтарликнинг раҳон йўлидан манманликнинг оғир сўқмоғига бурилиб кетиши мумкин.

Камтар одам «мен камтарман», деб айтмайди, «мана бу ишда адолат қилдим», деб миннат қилмайди, янги ихтиро яратдим, меҳнатда матонат кўрсатдим, бир фалокат олдини олиб жасоратини намойиш этдим, ҳеч қачон мағрурланмайди. Бу деганимиз— одамларга ҳар қанча яхшилик қилсанг-да, ҳаётда жасорат ва матонат кўрсатсанг-да, бу оддий бир карса демоқчи эмасмиз. Бунда одам ўз куч-қудрати, ақл-заковати, беғубор инсонийлик фазилати билан бажарган ҳар бир фойдали ишидан фахр ва ғурур ҳиссини туюшга ҳаққи бор! Лекин тезда манманликка айланиб кетиши мумкин бўлган бу нозик туйғуни доим эҳтиёт сақлаш керак.

Гап камтарлик ҳақида борар экан, кўз ўнгимда ажойиб фазилатли кишилар, шу билан бирга гердайган, мағрур, каландмоғ баъзи кимсалар жонланади. Нарвоннинг пиллапоясидан кўтарилаётган одам босқичлик билан атрофга қараб эҳтиёт чорасини кўрса, баландга чиқади, босар-тусарини билмай ҳовликса, пиллапоялара қарамай осмонга бурун кўтарса пастга юмалаб кетади.

Мен танийдиган бир раҳбар киши бор (унинг камтарлигига имон келтириб исм-шарифини бу ерда зикр этмадим). Бу инсон шундай покиза эди-ки, қўшиб ёзишлар, пора олишлар даврида ҳам ҳаётини биллурдек тоза кечирди. Яна янги лавозимга кўтарилди. Лекин унда сира калондимоғлик сезилмади, раҳбар сифатида бирор одамнинг дилини оғритмади, ҳар бир масаланн, ҳатто кичик бир муаммони ҳам коллектив билан келишиб, маслаҳатлашиб иш юритади, ҳаммага ширин муомала қилади. Шунинг учун коллектнвнинг кшида унум, қайта қуриш борасида олға интилиш кучли сезилиб турибди. Бошлиқ шу қадар камтарин-камсуқумки, ҳатто шахсий кечинмаларини, уйида таълим-тарбияни қандай олиб боришини, ҳар бир моддий бойликни тежаб-тергашни кўпчиликка отаварча айтаверади. Унинг ана шундай беғубор ва очиқ кўнгиллигини ходимлар севиб, йиғилишлардан кейин фахр билан мадҳ этиб юришади, бу раҳбарга ҳавас қилишади.

Камтар одам — асил одам, деб шунга айтадилар. Очиқ кўнгил раҳбар беғуборлик билан шахсий туйғуларнин ҳам кўпчилик билан ўртоқлашганда, «ичимдагини топ» дейдиган галамислар унга менсимай қарашларн, «раҳбар ҳам шунақа гапларни айтадимн» деб истеҳзоли қуладиган иғвогарлар ҳам топилиб турадн. Афсуски, тили айри, юраги қора бу кимсалар асил одам коллективни ўз жигаргўшаларидек тутаётганнин, камтар-камсуқумлигини, қалби чашмадек тоза-беғуборлигнни ўйламай, калтафаҳмлик қиладилар, калондимоғлик қилиб раҳбардан ўзларини юқори қўядилар. Бундайлар «ишла» деганда ётиб, «тишла» деганда ялтоқланиб келадилар.

Инсон ким бўлишидан қатъий назар, камтарликни зебу-зийнатдек билиши, раҳбарни ҳам, оддий ишчи ходимни ҳам, ёшу-қарини ҳам ўз ўрнида ҳурмат-иззат этиши, илтифотли ва ширин сўзли бўлиши керак. Одам қанча камтар ва хушмуомала бўлса, ўзи ҳам бошқалардан шундай ёқимли акс-садо олади.

Мен яна бир ўткир қалам соҳибини биламан. Унинг асарларини севиб ўқиб, фахр-ғурур ҳисларига тўлиб кетаман. Ҳамма жойда бу ёзувчининг одамийлик фазилатларини, муомаласи жуда ширинлигини айтишиб, «Қаламн ҳам жуда ўткир» деб мақташади, уни камтар ва мукаммал инсон дейишади.

Бундан бир неча йил илгари бир оддий журналист танши-билишчилик билан «кўтар-кўтар» бўлиб лавозимга эришиб қолди. Во дариғ, у катта гардишли кўзойнак тақса ҳам бурнидан нарини кўрмайдиган, илгари ўзи қуллуқ қилиб юрадиган ҳамкасбларига дўмбоқ қўлини узатиб кўришгиси келмайдиган, ходимларга «сен ҳам одаммисан» деб қарайдиган, ҳатто тнл-забонини тутолмай ҳақоратлаб юборадиган даражада калондимоғлик симоб устунидек кўтарилиб кетди. У одамларни; «бу ярамас», «у яқинлашмасин», «анови иснқирт» деб ўзича «тонфа»ларга бўлиб, паст назар билан қарарди. У назарида шер каби баландлаб кетиб, ҳеч кимни менсимай қўйганда адолатли замон тиғи пуфагини тешиб, пастга тушириб қўйди. Энди у катта кўзойнаги остидан пастга қараб: «Во дариғ, ерда эканман-ку», деб юрибди.

Ҳаётда шунга ўхшаш ҳар хил воқеаларга дуч келиб турамиз. Биров бир даврада мақтанади:

— Мен фалончи институтни тугатганман, сиз ўқимаган экансиз-да...

— Ҳа, мен шароит бўлмай ўқий олмадим, —дейди унга жавобан бўйни эгиб бир киши, —заводда ишчиман,— трактор ишлаб чиқарамиз.

Ўқиган йигит унга менсимай, гўё жирканиб қарайди, калондимоғлик қилади, ҳеч кимга сўз бермай ваъзхонлик қилади, назарида у доно-ю, ҳамма нодон. Ваҳоланки, даврада ўтирган ҳар хил касб-ҳунар кишилари ҳаётнинг миридан-сиригача беш бармоқдек билишади, ақл-заковатда қилин қирқ ёришади, лекин камтарлик юзасидан «дим» сақлаб маҳмадона калондимоғнинг сўзларини тинглаб ўтиришади. Давра тарқалгач, ғалвир сувдан кўтарилганда ҳаммаси аён бўлади, фалон институтни тугатган «ўқимишли акамга ҳамма вижданан туфуради. Бу билан биз ўқиган, илмли одамни камситмоқчи эмасмиз, аммо унинг касб-ҳунарли кишилар олдида ўзини «осмон тутишн» — калондимоғлигини айтмоқчимиз.

Киши ўзи эришган илм, касб ва ҳунар зафари билан манманлик қилса, унинг чеккан меҳнатларн миннат ошн кабн қадрсиз бўлиб қолади. Шу ҳақда бир ҳикоят бор.

Қадим замонда, шарқ ўлкаси томонда ақлн —нурафшон, илм-заковатн — шараф-шон қозонган бир буюк олим бор экан. У қўшни мамлакатда ўзи сингари олим, лекин ёш бир фозил кишининг довруғини эшитиб, ўша юртга борибдн, унн йўқлабдн. Ёш олим ўша кунн дарс бераётган экан, буюк олим унн сўраётганнни айтишганда, ҳузурига чиқмабдн. Кекса олим унн роса кутибдн. Дарси тугаб олим кекса донишманд олдига келибдн-да, менсимай кўришибдн, калондимоғлик қилиб, «Хўш, хизмат» деб сўрабдн. Ёш олимнинг манмансирашидан дилн оғрнган донишманд дебдн:

— Қимматли вақтингизнн олиб, бнр-икки нарсанн сўрамоқчн эдим.

— Сўранг, — дебдн ҳамон кеккаймб ёш олим.

Донишманд дебдн:

— Дунённ агар бир пиёла деб фараз қилсак, ундагн илмларнн қанча деб ҳисобласак бўладн!

— Тангадек.

— Яхшн, унда сиз шу илмга ўзингизнн қанча ҳисса қўшган деб ҳисоблайсиз!

Ёш олим ўйланиб қолиб, шундай жавоб айтибдн;

— Йўқ ҳисоб-да, тақсир...

— Офарин, ҳақ гапни айтдингиз, — дебдн кекса олим, — хўш, дунё илмга қўшган ҳиссангиз йўқ-ча экан-у, ўзингиздагн бунчалик кибру-ҳавонн, манманликнн қаердан олдингиз!

Ёш олим ўзининг хатосинн тушунибдн-да, донишманд оёғига бош уриб манманлигн учун тавба-тазарру қилибдн.

Қиссадан ҳисса шуки, манманлик, калондимоғлик, кибру-ҳаво ҳар қандай одамнн, ҳатто буюк ақл кишиларнн ҳам хато йўлга бошлайдн ва қадр-қимматларнн туширади. Шунинг учун ҳам халқимиз донолнк билан: «Камтарлик—камолга, манманлик—заволга етказади», деб бежиз айтган эмас. Камтарлик инсоний фазилатлар зийнатн эканинн дилимизга жо этамиз.

Акмал АКРОМОВ.



Ёш авлодга билим сирларини сингдириш педагогдан катта маҳорат ва тажриба талаб қилади. Ҳамиша болалар даврасида бўлиш, уларнинг меҳрини қозониш педагогнинг фазилатидир. Собир Раҳимов районидаги 23-ўрта мактабда бошланғич синф-ларга дарс бериб келаётган ўқитувчи Рамзиддин Файзиев ҳамкасблари ва ўқувчилари ҳурматини қозонган мураббийлардан бири. У бу билим даргоҳида қирқ йилдан буён қалбининг меҳрини болаларга бериб келмоқда. Унинг ҳар бир машғулоти мазмунли ўтади. Шунинг учун ҳам дарсдан кейин бўладиган ўзаро суҳбатлар билим сирларини янада чуқурроқ эгаллаш ҳақида боради.

СУРАТДА: моҳир ўқитувчи Р. Файзиев ўқувчиларн билан дарсдан ташқари вақтларда суҳбатлашмоқда.

Р. Шарипов фотоси.

Боланинг янги олами

Мактабга биринчи бор қадам қўйган болангиз қалбида не хаёллар кечаётганини билсангиз эди! Ҳа, фарзандингиз мактабга қадам қўйган кундан бошлаб унинг ҳаётида янги олам очилади. Мана шунинг учун ҳам ота-она фарзандида мактабда таълим-тарбия берувчи ўқитувчига нисбатан ҳурмат ва муҳаббат ҳисларини уйғотмоғи лозим.

Ота-оналар болаларининг ўқув жараёнини юқори даражада ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Уларнинг дарс тайёрлаши учун уйнинг энг ёруғ ва ҳолироқ бурчагидан жой ажратиб бериш керак. Шунда бола ўқитувчи топшириқ ва вазифани бажариш учун ўз фикрини тўплаб олади. Болага китоб ва дафтарини озода тутиш йўлларини ўргатиш, мактабдан берилган топшириқни ҳар куни маълум бир вақтда бажаришга одатлантирган яхши. У ишлаётган соатларда мумкин қадар тинчлик сақлаш ва ҳеч қандай саволлар билан чалғитмаслик керак. Ўқувчи дарс тайёрлашидан олдин хонани шамоллатиш муҳим. Бундай тартибга амал қилиш ҳар бир болани қунт билан ишлашга, ўқишга ўргатади.

Ота-оналар ўқитувчи билан тез-тез учрашиб болаларидаги ўзгаришларни аниқлаб олишлари ва шунга қараб индивидуал иш юритишлари самаралидир. Уларнинг савияснни юксалтириш коммунистик дунёқарашни таркиб топтиришда бадиий ва илмий-оммабоп асарларни, шунингдек, болалар газеталари ва журналларини уйда мунтазам ўқитиб туришнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг синфдан ташқари белгиланган иш программасини ҳам назорат қилиб бориш муҳимдир. Бунда энг аввало ота-оналарнинг ўзи маданий жиҳатдан камол топган кишилар бўлмоғи лозим. Улар газета-журнал, педагогикага оид адабиётларни ўқишлари, махсус уюштирилган лекцияларга ва ота-оналар университетларига қатнашишлари мақсул. «Оила шундай бир муҳим соҳаки, инсон ҳаётини шу ерда бошлайди», деган эди А. С. Макаренко. Демак, оилада тарбия яхши бўлса, ўқувчилар яхши ва аъло баҳолар билан ўқиши шубҳасиз.

Ж. ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, шахсий пенсионер, меҳнат ветерани.

Бу—қизиқ

ЗИРАК ЮТГАН БАЛИҚ

Норвегиялик балиқчи Вальдемар Андерсен Шимолий денгиз соҳилида треска балиғи овлаб қайтди-да, уларни тозалай бошлади. Буни қарангки, балиқлардан бирининг ошқозонидан тилла зирак чиқиб қолди, унга ҳанг-манг қараб таниш зирак эканига ишонч ҳосил қилди.

Бир ҳафта бурун балиқчининг хотини зирагини шу ерда сувга тушириб юборган эди.

УЛКАН ЁНҒОҚ

Ҳинд океанида, Мадагаскар оролининг шимоли-шарқий томонида жойлашган Сейшал ороли кўндаланг кесими 35 сантиметр, узунлиги 50 сантиметр, айланаси бир метр келадиган баҳайбат ёнғоги билан дунёга машҳур. Сейшал пальмаси деб аталадиган бу ёнғоқ дарахтининг бўйи 25—30 метр келади, баргларининг узунлиги 3—4 метр, Пальма 30 ёшида гуллайди, меваси 10 йилда пишади. Бир дона ёнғоғининг оғирлиги 10—15, айримлари 25 килограмм бўлади.

Шамол бу тарафдан эсди

Ҳажвия

Козимхон Козимович эшик кўнғироғини босганда ичкаридан болаларнинг ғала-ғовури тарновдан оқаётган сувни эслатди. Хотинининг «келдингизми» деганн бўйнига пичоқ тортгандай туюлдими, ҳиқиллади. Узини лоҳас ҳис этиб диванга ташлади. Диван пружиналари ғийқиллаб бир-бирига ёпишди-қолди. Нима қилсин! Бошн нақ арининг уяси! Қовоқ-а, қовоқ! «Вой тавба, — дедн ўзига ўзи. — Тўхта, устоз олдидан ўтай». У ўзини дадил тутиб, телефонга ёпишди, сўнг номер тера бошлади.

— Алло, устоз! Ассалому-алайкум, бардаммисиз! Бошингиз оғримаяптими! Бай-бай, менинн тарс ёрилиб кетай деяпти. Нима бўляпти, ўзи! Энди нима қиламиз!

— Нимаям қилардик, ука! Эсингиздамн Толиб Ҳақлиевични мен ўз вақтида зўр одам деганман.

— Йўқ-э, устоз! Икки йил олдин, дам олиш уйида, уч кунлик семинардамн-ей, пўстагинн қоққан эдингиз, шекилли!

— Нима деганман!

— Йўқ, йўқ, қайтаролмайман устоз! Айтсам илон пўст ташлаб юборадн.

— Сиз менн кимгадир адаштираяпсиз.

—Йўғ-э, устоз! Узингиз айтган эдингиз. Кейин ўтган йилнинг баҳорида, ҳи-и-ҳи, тилкмнинг учида турувдн-я ана эндн эсимга тушдн, нақ мартнинг 22 чисида Толиб Ҳақлиевични тўнгак дегансиз.

— Тўнгак демаганман, кейинни ўйлаб иш тутаман мен, «чўнг гап» деганман ўшанда. Гапнинг замирнни ўйланг! Нима қиласиз гапни чувалаштирнб! Сиздай шогирдлар, йўқ-йўқ одамлардан уч-тўртта бўлса коллективнинг пайтавасига қурт тушади. Шуни ўнг қулоғингиз билан ҳам эшитннг, чап қулоғингиз билан ҳам эшитнг. Толиб Ҳақлиевич ҳамиша ҳақ. Мен айнн шу одам учун овоз бердим-а!

— Устоз, мажлисгача Толибнинг пўстагинн қоқамиз сиз этагимдан олинг, девдингиз шекилли!

— У сувлар оқиб кетдн, ҳозир шамол бу томондан эсдн, жигар! Эндн бу этагимдан тутинг.

Мирза КАРИМ.

ИҒВОГАРЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Шу йил 6 октябрь куни «Советская Кубань» газетаси «Сўқир йўл бошловчи қаёққа етаклаяпти?» сарлавҳали мақоласида қрим татар экстремистлари иғвогарлик ҳаракатларига — Тамандан Қримга «юриш» қилишга тайёргарлик кўраётганликларини хабар қилди.

Шу мақола босилиб чиқиши фактининг ўзи ҳам ўйламай ҳаракат қилишдан огоҳлантириш бўлиши керак эди. Бироқ қрим татарлари орасида сувни лойқатаётган кимсалар бу гал ҳам соғлом фикрга қулоқ солмай, ўз режаларини амалга оширишга уриниб кўрдилар.

7 октябрда, СССР Конституцияси кунида Краснодар ўлкасининг бутун аҳолиси— ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, ўқувчилар ва студентлар, уруш ва меҳнат ветеранлари далаларга ва сабзавот ҳамда мевани қайта ишловчи корхоналарга ишга чиқдилар. Ёғин-сочинли кунлар яқинлашмоқда, аммо ҳали йиғиштириб олинмаган сабзавот, мева, узум бор. Ўлка аҳолисини, шу жумладан, қрим татар граждан-ларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини йиғиштириб олиш керак. Шу куни зарбдорларча меҳнат қилинганлигини айтиб ўтиш ўринли. Бутун Тамань станицаси ҳам далага, узум узишга, мева-сабзавот йиғиштиришга чиқди. Темрюк районидаги меҳнат десантида салкам 30 минг киши қатнашди. Шу куни ҳосил йиғим-терими бошланганидан буён энг юқори меҳнат унумдорлигига эришилди: салкам 6 минг тонна узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йиғиштириб олинди.

Шуни таъкидлаш керакки, кўпгина қрим татарлар фаол ишладилар. Масалан, «Южний» совхозида Мериме Жафарова нормадаги 400 килограмм ўрнига 1295 килограмм узум узиб, топшириқни 324 процент бажарди. Сейтмемет Исмаилов звеноси мева ортишда зарбдор меҳнат қилиб, уч норма бажарди. «Таманский» совхозида звено аъзолари Хатирже Кимикова, Заде Адаманова, Амиди Қодирова, Алиме Аблаева, Мосне Акимова нормадаги 260 килограмм ўрнига 1035 килограммдан узум уздилар.

Бироқ, қрим татар халқининг «бошлиқлари» ҳаёлида бошқа нарса ҳукмрон эди. Улар бутун жамоатчилик фикрини менсимай, Совет Конституцияси байрамида, яппи зарбдор меҳнат кунида миллатчилик шиорлари остида иғвогарлик ҳаракатларини бошладилар. Эрталаб соат 11 да станица майдонида тўпланиша бошлашди. Кўплар юк халталари, иссиқ одеяллар билан келган эди. Тўда Кавказ порти томонга юришга шайланиб турган пайтда Темрюк район ижроия комитетининг раиси Ю. А. Загоруйко уларга мурожаат қилиб, граждалик туйғуларини, ақл-фаросатни ишга солишга чақирди.

У бундай ҳаракатлар район ижроия комитетининг митинглар, намойишлар ва юришлар ўтказиш тартиби ҳақидаги қарорини бузиш эканлиги ва бу ҳаракатларга жамиятга қарши хатти-ҳаракат, деб баҳо берилиши ҳақида огоҳлантирди. Бу хатти-ҳаракатларни районнинг бутун кўп миллатли аҳолиси қатъий қораламоқда. Район прокурорининг ўринбосари А. М. Гноева ўлка прокуратурасининг қрим татар миллатига мансуб бир неча шахсларга нисбатан уларнинг гиж-гижловчи, ғайри ҳуқуқий фаолияти учун чиқарган огоҳлантиришлари ҳақидаги ахборотни ўқиб берди.

Огоҳлантиришлар таъсир қилмади. 163 кишидан, шу жумладан, ёшлар, аёллар ва ҳатто балоғатга етмаганлардан иборат группа «Тамань-Симферополь», «Ватанга, Қримга қайтиш учун» шиорларини кўтариб юриш бошлади. Тамань станицасида яшовчи 29 яшар Абдурашит Жеппаров «юриш»га бошчилик қилди. Шу йилнинг июль ойида у Москвада жамиятга қарши хатти-ҳаракатларда иштирок этган ва бунинг учун прокуратура органлари томонидан огоҳлантирилиб, бошқа экстремистлар қаторида Москвадан чиқариб юборилган эди. Август ойида прогул қилганлиги учун «Южний» виночилик совхозидан ишдан бўшатилган бўлиб, у икки ойдан буён меҳнатдан бўйин товлаб юриб ди.

Тамань станицаси четидаги автотрассада юриш қатнашчилари яна бир бор расман огоҳлантирилди, уларга иғвогарлик ҳаракатларини тўхтатиб, уйларига қайтиш таклиф қилинди.

Бироқ, А. Жеппаров ва бошқа экстремистлар гижгижлаган қрим татарлар группаси бу талабларни бажармади, шундан кейин милиция органлари ва жамоатчилик кучлари уларнинг ҳаракатларига чек қуйдилар Шунда қрим татар миллатига мансуб бир қанча граждалар ҳокимият вакилларига қаршилик кўрсатдилар, ҳақорат ва дўқ-пўписа қилиб бақирдилар.

Милиция органлари «юриш» ташаббускорларининг бир қисмини қўлга олди, қолганлар истиқомат жойларига келтирилди.


Энг фаол иш олиб борганлар орасида Новороссийскда яшовчи музей ходими Асан Хуршутов, биринчи шаҳар касалхонаси врачи Дильшат Ильясов, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси Сейтумер Эминов, Абинскдаги 3-автоколонна шофери Энвер Муртазаев, Темрюк тикувчилик фабрикаси Тамань филиалининг ходимлари Муене Саттарова билан Амет Асановлар бор эди. Уларнинг орасида Ўзбекистон ССРда яшовчи қрим татарлар ҳам бор эди.

Прокуратура уларнинг 60 нафаридан кўпроғига нисбатан расмий огоҳлантириш чиқарди, уларни амалдаги қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш масаласи ҳал этилади.

Тахмин қилинганидек, асосий «ғоявий илҳомчилар» ўзларини бир четга олиб туришни афзал кўрганликларини таъкидлаш керак. Қримга пиёда боришни фаол ташвиқ этган Бекир Умеров Қримда маҳаллий «бошлиқлар» Исмет Садиқов ва Авва Азаматова станицада қолишди. Жеппарова эса улар ҳудди ўша «сўқир йўл бошловчи» ролини ажратишди.

Қрим татар аҳолиси орасига ғулу солаётган, уни жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар қилишга ундаётган экстремистлар уларнинг ҳаракати ўлка меҳнаткашларининг умумий ғазабига сабаб бўлаётганлигини, қрим татар халқига зарардан бошқа нарса келтирмаслигини ниҳоят тушуниб олишлари керак. Улар ўзларини гўё қрим татар халқи «манфаатларининг» ҳимоячиси қилиб кўрсатмоқчи бўляптилар. Фақат масъулият ва интизом, ақл-фаросат билан иш тутишгина қрим татарлар кўтарган масалалар кўриб чиқилишига кўмаклашиши мумкин.

(«Советская Кубань», 9 октябрь).



Тошкент телемнорасининг кўриниши.

Р. Шарипов фотоси.

Бувижон, ўқиб беринг

ТИЛЛА КЎЙЛАК

(Замонавий эртак)

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир Дўқирхон деган она бешиктебрат бор экан. У болалари Сакрахон билан Тебранхоннинг бешигини «ўқир-ўқир» тебратгани учун ҳам унинг исми Дўқирхон экан. Улар кшком кўча, узум занги маҳалласнинг бешинчи боғр уйида яшашар экан. Тебранхон катта бўлгач, Сакрахон деган сингилчасининг бешигини тебратиб, ҳатто унга алла ҳам айтиб берар экан:

Дўқир, дўқир
дўқирмоч,
Еган ошинг
қўғирмоч,
Аллаб, алла.

Бир куни Сакрахон бешикдан сакраб туриб-ю, шу-шу сакраб-сакраб юрадиган бўлиб-Опа-сингил тебранса-рана, сакрай-сакрай кшкомнинг энг тепасига чиқиб, атрофни томоша қила бошлабдн. Ҳозир бўйида бўлаётган базмни кўриб анграйиб қолишипти. Тилла қўнғизларнинг «виз-виз» ансамбли визиллаб ашула айтаётган эмиш. Уларнинг кўйлаклари офтобда «лов-лов» ёнармиш.

Капалакларнинг «Камалак» ансамблидагилар намозшомгулу, товус атласларидан кўйлак кийишган эмиш. Бошларига чамандагул дўппини кўндириб олиб, тановарга рақс тушишаётган эмиш. Ниначиларнинг эса «Нозикчалар» деган балет ансамбли сув юзида «Шарқ миниатюралари» балетини ижро этаётган эмиш. Уларнинг кумушдек ҳарир кўйлаклари ҳилпираб, чир-чир айланишганда нозик ўқадан қилинган нимчалари пир-пир учармиш. Буни кўриб Тебранхон билан Сакрахон ортиқ чидаб тура олишолмабди. Сакраб-сакраб, тебраниб-тебраниб пастга, уйларига тушишипти. Ойиларига.

— Ойи, бизга ҳам тилла кўйлак, кумуш нимча, чамандагул дўппи олиб берасиз,—дептн Тебранхон тебраниб.

— Нима, биз кўм-кўк кўйлакда юраверамизми? — дептн сакраб Сакрахон.

Она бешиктебрат уларга нима жавоб қилишини билмай узоқ тебранибди. Дўқирхон чорасиз қолганда доим шундай қилар экан. Охири у:

— Ҳой болажонларим-а, ҳар кимнинг кўйлаги ўзига ярашади. Бировники бировга кўйлак бўлолмайди, — дептн.

— Йўқ, йўқ, бизга.. «Виз-виз» ансамблидаги тилла қўнғизларнинг тилла кўйлагидан олиб берасиз, — деб уввос солиб йиғлай бошлабди Тебранхон. Сакрахон кичикроқ бўлгани учун ерга ағанай бошлабди.

— Менга «Камалак» ансамблидаги капалакларнинг атлас кўйлагидан, чамандагул дўпписидан олиб берасиз, олиб берасиз!

Чорасиз қолган Дўқирхон зўр бериб тебранаётган экан, қўшнилари Тиллахон ая қўнғиз чиқиб қолипти. Дўқирхон севинниб кетганидан ундан ҳол-аҳвол сўрашни ҳам унутипти. Қизларига тилла кўйлаги билан тилла рўмолини бериб туришни илтимос қилибди.

Бир оздан сўнг Тиллахон ая қўнғиз Дўқирхон айтган нарсаларни олиб чиқипти. Лекин бу буюмлардан нафталин ҳиди келаётган эмиш. Ахир бу кийимларни Тиллахон ая қўнғиз ёшлигида кийиб, кейин сандиққа солиб қўйган экан-да. Бешиктебратчалар бу кийимларни кийишипти-ю, ўзларидан ҳам нафталин ҳиди келаётган эмиш. Сакрахоннинг нур сочиб турган рўмоли устида «Якка» лақабли Ҳакка чарх ураётган эмиш.

Дўқирхон чаққонлик билан қизларининг кўйлакларини улар томонга отипти:

Ҳай-ҳай, вой, вой,
Дўқир, дўқир
дўқирмоч,
Еган ошинг
қўғирмоч.
Яхшилаб кўзингни оч,
Кўйлагингни кийиб қоч.

Тебранхон билан Сакрахон чаққонлик билан кўк кўйлакларини кийиб кўм-кўк барглар орасига яширинишипти. «Якка» лақабли Ҳакка уларни кўрмай учиб ўтиб кетибди. Шунда Тебранхон ҳам Сакрахон ҳам ойиларининг: ҳар кимнинг кўйлаги ўзига ярашади, бировнинг кўйлаги бировга кўйлаклик қилмайди, деган сўзида зўр ҳикмат борлигини англашибди.

Тамила ҚОСИМОВА.



«Сулув наъматак, олтин япроқ ва қувноқ қизалоқ»

Р. Шарипов фотолари.

Куз ҳавосининг ҳангомалари

Халқ ўртасида қиш фаслини инжиқ, баҳорни беғубор, ёз фаслини оқил ва сахий, куз фаслини эса олтин куз деб аташ расм бўлган. Сентябрнинг охирида мезон бошланади, баъзи дарахтларнинг барглари сарғая бошлайди. Кузда кечқурунлари ва саҳарда ҳаво тоза ва ҳийла салқин бўлади. Туш пайтлари иссиқ бўлса-да, бироқ ёқимли шабада эсиб туради. Шунинг учун ҳам киши кун бўйи ўзини тетик ва бардам ҳис этади. Исиб ҳам кетмайди, терга ҳам ботмайди, оғзи қуриб чанқамайди. Р. Роллан таъбири билан айтсак, соғлом бўлишни истаган ҳар бир киши доимо соф ҳавода бўлиши керак. Дарҳақиқат, куз ҳавоси мусаффо бўлиб, сумбула суви тиниқ тортади. Шоира Мукаррама Муродова куз сувига бағишлаб, ажаб нарса яратибди:

— Зарҳал япроқчани тутиб кафтингда
Куз суви, мунча ҳам оқасан сокин!

— Мен кексайиб синдим, афтидан
Баҳорда тушмабди менга нигоҳинг.

— У чоғлар нўхотдек тош ирғитсам ҳам,
Чайқалиб, лойқаланар эдинг, чамамда!

— Ҳа, топдинг, қувноқ қиз, у маҳал
шошқин,
Ёшлик кўпирарди бутун танамда.

Кузда табиатнинг жонли ва фаол вакили — одам организми ҳам тиниқади. Ҳарорат асоратидан фориғ бўлади. Бинобарин, куз фаслида организмда бир қатор ижобий биохимик ўзгаришлар юз беради. Авало, юрак дадил ва бир маромда уради, қон босими ўзига келади. Қон ҳаракати, бинобарин, кислород таъминоти тубдан яхшиланиб, барча органлар улардан етарлича баҳраманд бўлади. Витаминларга бой ширин-шакар мевалар юракка, жигарга озуқа бўлиб, сўз жонз бўлса, «суғориб», «илдизини» мустаҳкамлайди. Ошқозон ва ичаклар равон ишлаб, киши қабзиятдан халос бўлади. Куз ҳавоси марказий нерв системасига ҳам яхши таъсир кўрсатади.

Айтишларича, шарқ донишмандлари ёз чилласида боғ-роғларда дам олишган. Куз фаслида эса, ижодга берилишган. А. С. Пушкин ақлан ва жисмонан ўзини куз фаслида яхши сезган, ижоди унумли бўлган. Ривоятларга қараганда, баъзи бир иссиқ мамлакатларнинг одамлари ҳароратдан дармонлари қуриб кун кечирганлар. Ким ғорда, ким дарахт остида думалаб, мудраб қолаверган. Шунда шаҳар «бежон»дек туюлган. Куз ҳавоси келиши биланоқ, улар аста-секин ўзларига келабошлаганлар. Чунки кузда ҳаво заррачалари ёзга кўра зич жойлашган бўлади. Бир нафасли ҳаво тўйимли бўлиб, ўпкани, қолаверса, организмни кислородга қониқтиради. Кислороднинг қонга сўрилиши ҳам шунча осон бўлади.

Кузда баҳорга қараганда қуёш ҳарорати суст бўлади. Баҳорда, масалан, қуёшнинг ҳарорати аста-секин ошиб боради. Одам қорая бошлайди. Кузда эса аксинча бўлади. Кундан кунга ҳаво ҳарорати пасая боради. Қуёш ҳам ёзнинг қуёшига ўхшамайди. Шоир Абдулла Орипов ташбеҳи билан айтганда:

Қуёш ҳам фалакда бамисли рўё,
У энди ёндирмас, ялтирар фақат.
Дўстлар, у ҳам энди қуёшмас асло
У олис ёшликда қолган муҳаббат.

«Келинингни баҳорги офтобда, қизингни кузги офтобда тобла», деб бежиз айтмаган халқимиз.

Куз келиши билан ич буруғи, баъзи бир кўз оғриқлари, овқатдан заҳарланиш ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар камаяди. Аммо кузда ўпкага совуқ ҳаво кириш билан сурункали зотилжам; бронхиал астма қўзғаш ёки бод, бел, умулан бўғин оғриқлари «уйғониши» мумкин.

Маълум ёшдаги болаларда томоқдаги бодомча безларнинг яллиғланиши, қулоқ оғриши мумкин ва ҳоказо. Шундай касалликлари бор беморлар эҳтиёт чораларини кўриб қўйишлари керак. Кечаси очиқ дераза олдида ухлаб қолмаслик, транспортда очиқ ойна рўпарасида турмаслик, совуқ ичимликлардан ўзини тийиш керак ва ҳоказо.

Куз ва қиш фаслларида оёқни қуруқ ва иссиқ тутиш катта аҳамиятга эга. Пойафзални кун ора мойлаб турилса, у юмшоқ бўлади ва нам ўтказмайди.

Кузнинг охирларида қиш нафаси келиб туради. Ора-сира ҳаво совиб, ёмғир ёғади. Сентябрь-октябрда озгина ёғиб ўтган ёмғирни кексалар биринчи қирғиқ деб атайдилар. Қирғиқ ёмғири ёз бўйи йиғилиб ётган чангларни ювиб, дарахтларнинг бетини очади, кўркам қилади. Табиат янада гўзал бўлиб, кишининг баҳридили очилади.

Иккинчи қирғиқ ёмғири ҳийла совуқ ва давомли бўлиб, кишининг эти увиша бошлайди. Учинчи қирғиқ ёмғири қор аралаш келиб, қишнинг остона ҳатлаб турганидан дарак беради. Одам қиш фаслига аста-секин ўрганиб, мослашиб боради.

Ҳароратни ва ҳаво босимини бир зумда ағдар-тўнтар қилиб юборадиган совуқ, қаттиқ бўрон киши руҳига салбий таъсир қилади. Шунақа кунларнинг бирида киши шамоллаб қолиши мумкин. Бош оғрийди, бурундан сув келади, акса уради ва ҳоказо. Шамоллаганда уйга қайтиб келиб ётиб олиш ва дорвоз ҳароратни ўлчаш керак. Ҳарорат кўтарилган бўлса, шифокорни чақиртириш даркор бўлади. Шифокор келгунча шакар ёки асал билан қайноқ чой, иссиқ шўрва, мастава ичиш ва ўралиб ётиш мақсадга мувофиқдир. Баъзилар сульфадемизин (норсульфазол) гардини бурунга ҳидлаб, озгина аспирин ёки анальгин (пирамидон) ҳам татиб кўрадилар. Бунақа муолажа қилган киши дув-дув терлайди-да, эрталабгача шамоллаш аломатларидан фориғ бўлади.

Тумов, грипп билан оғриганда, умуман киши ўзини ланж сезса одатан қоқурум истеъмол этилади. Майдалаб тўғралган пиёзни (2—3 бош) туз (2 чой қошиқ) ва мурч (1 чой қошиқ) билан яхшилаб эзилади. Сўнг қатиқ (бир коса) билан аралаштирилади. Устидан қайнаб турган сув (1,5 литр) қуйилади, аралаштирилади. Қоқурумни косаларга тақсимлаб, иссиғида нон билан бирга баҳам кўрилади. Ўралиб ётган киши дув-дув терлайди, эртасига енгилгина ўрнидан туради.

Йил бўйи эрта наҳорда ич кийимда дадил югуриш, чопиш, совуқ сув билан ювиниш, томоқни ғарғара қилиш, бурунга сув тортиш, сўнг яхшилаб (тери қизаргунча) артиниш каби тадбирлар кишининг чидамлигини оширади. Эрта кузда бунақа чиниққан киши шамоллаш, тумов ва ҳаттоки гриппга ҳам чалинмайди.

Радио ёки телевизор орқали эртага қанақа об-ҳаво бўлишини билиб, ўшанга яраша кийиниб олиш зарур. Акс ҳолда, киши номаъқул шароитга тушиб қолиши, азият чекиши мумкин.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
Зарифа ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидатлари.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Халқ мақоллари

Дўстлик ҳақида

⊙ Дўстлик барча бойликдан афзал.
⊙ Дўст — дўстнинг кўзгуси.
⊙ Дўстини ёмонлагандан қоч.
⊙ Дўстлик синовларда чиниқади.
⊙ Саволни жавобсиз қолдирма, Дўстни — эътиборсиз.
⊙ Дўстинг билан сирдош бўл, Қилар ишига қўлдош бўл,
⊙ Чин дўст — туғишганинг билан тенг.
⊙ Дўстингнинг ютуғи — сенинг ютуғингдир.

Меҳнат ҳақида

⊙ Меҳнат қилиб топганинг, қанту-асал тотганинг.
⊙ Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан душман.
⊙ Дўстсиз бошим — тузсиз ошим.
⊙ Дўст сўзини ташлама, Ташлаб бошинг қашлама.
⊙ Ҳақиқий дўстлик —сувдек зилол, Қалбаки дўстлик — туз қўшилган асал.
⊙ Яхши дўст — чинакам тилла.
⊙ Бемеҳр қариндошдан, меҳрибон дўст яхши.
⊙ Олтин ўтда, одам меҳнатда синалади.
⊙ Кўп ишлаган кўп яшайди.
⊙ Меҳнатинг — зебу-зийнатинг.
⊙ Меҳнат қилган муродига етади.
⊙ Дарё сувини баҳор тоширар, Одам қадрини меҳнат оширар.
⊙ Иш бор жойда—ош бор.
⊙ Олдингда улуғ мақсад турган бўлса — меҳнат сенга дам беради.
⊙ Одам қўли гул —бўстон яратади.
⊙ Бирни биров беради, кўпни — меҳнат.
⊙ Меҳнат ҳаёт чирофига ёғ қуяди, тафаккур уни бойитади.
⊙ Кўз ёши тўкиб ариқ қазисанг, кулиб-кулиб сув ичасан.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 15/X да 16/X да **Раймонда**, 17/X уст.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 15/X да тунлар, 16/X да 17/X да **Куёв**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ БЕК ДАВЛАТ МУЗЫКА АТРИДА — 15/X да ва муридлар, 16/X да берган кўнгил, 17/X да ука совчилар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЙЎЛДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ 15/X да **Отасининг** да **Келинлар қўзғолони**, **Майсаранинг иши**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ — 16/X да **«Прага»** цирки артистлар томошалари (19.00).

Кино

15 ОКТЯБРЬДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — СУВЛАРИНГ ЛОЙИҚАСИ (17.15, 20.30), «САНГ... 21.00).

Қозоғистон — «ЧАЛ... ҚАТ» (17, 18, 20.00).

Чайка—«ҲАҚИҚАТ. БАТ ВА ГЎЗАЛЛИК» (1... 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — ЕРДА, КЎЛДА» (жуфт кунларда).

Москва — «МАЪСУМ» 18.30, 21.00).

Ватан — «ПАРОМА 18.30, 21.00).

Дружба — «ЕМҒИРДА СУМИ» (17, 18, 20, 21.

Лисунов номли — «ЙЎЛДОШ» (тоқ соатларда).

Нукус — «БОББИ» (17.

Тошкент Советининг йиллиги — «НАВРАҒ» 18.30, 21.00).

Восток — «ШОҲОНА КОР» (16, 18.30, 21.00).

Искра — «ҚИЗ УЧ... ГА ШОШИЛМОҚДА» (1... 20.00).

К. Ёрматов номл... ЕР» (17, 19, 21.00).

16 ОКТЯБРЬДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Қозоғистон — «ТЎ... ОПЕРАЦИЯСИНИНГ БЎЛИШИ» (11, 12, 14, 18, 20.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — МОНТЕ-КРИСТО» (11, 20.00).

Москва — «ҚУЛЛ... (тоқ соатларда, сўнгги 20.40 да).

Ватан — «ВИР ЎЗИН... КАТ ҚИЛДИМ (12, 16, 2...

Дружба — «СЕВГИ ... ЛАРИ» (ҳар соатда).

Лисунов номли — «... ЗОДАНИНГ ЯНГИ ЭРТАК... (11, 14, 17, 20.00).

Нукус — «ҚУЛЛ... (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг ... лиги — «ҚУЛФБУЗАР» 14, 16, 18, 20, 21.30).

Восток — «ГРАФ... КРИСТО» (11, 13.30, 16... 21.00).

Тинчлик — «АФРОДИТА СОВҒАСИ» (11, 13, 15, ... 21.00).

«Богбон» (18.0...

Искра — «РОБИН ГУ... ЎҚЛАРИ» (12, 14.00, УЧРАШУВГА ШОШИЛМ... (16, 18, 20.00).

К. Ёрматов номли — РЬЕР» (11, 13, 15, 17, 21.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ ...

ТЕЛЕФОНЛАР

Санъат саройи 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-30.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг ... лиги — 77-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — ...
Искра — 39-14-59.
Нукус — 46-46-55.
Дружба — 67-96-87.
ВЛКСМ 30 йиллиги — 52.

Шаҳар кинотеатрида ... кўрсатиш маданиятини ... тириш юзасидан тақдим истаклар билан Тошкент ҳар ижроия комитети ... лаштириш бошқармаси 37-11 телефон номери ... мурожаат қилинсин.

Тошкент шаҳар, Собир ҳимов район совети ... лаш бўлимининг 4-... диникаси мажлисида партия ва касаба ... ташкилотлари хирургия ... лимининг бошлиғи Ф. ... қовға онаси

Ҳури СОДИҚОВАнинг вафот этганлиги муно... ти билан чуқур ... изҳор этади.

Киров район... коллектив... дири И. Бекмирзаев... си

Жамила БЕКМИРЗАЕВАнинг вафот этганлиги муно... ти билан чуқур таъзия ... ҳор қилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Темирйўлчилар маданият саройида

15, 16 октябрь
соат 19.30 да
РОК-ПАРАДЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

Концертларда: «Рок тинчлик учун курашда» I-Бутуниттифоқ фестивалининг лауреатлари — «ВИЗИТ» (Москва) рок группаси; «ЗАМОНАВИЙ МУЗИКА ЛАБОРАТОРИЯСИ» (Тошкент); Бутуниттифоқ жаз фестивали-87 лауреати «ДОМАШНЯЯ РАБОТА» рок-группаси (Тошкент); «СТЕКЛО» рок группаси (Тошкент) қатнашади.

Билетлар Темирйўлчилар маданият саройи (Полторацкий кўчаси)да ва «Ёшлар уйи» кассаларида (Пахтакор кўчаси, 5-уй) сотилмоқда.

Тошкент агрегат заводининг маданият саройи
«ИБН СИНО»
ҚЛУБИНИ ОЧАДИ

Халқ даволаш усул ва услубларини, ўсимликлар, минералларнинг шифобахш ҳоссаларини ўрганиш, шаҳар чеккасига сайрга чиқиш ва ҳоказолар клуб иш программасидан ўрин олган.

Клубга ҳар куни қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, А. Бобожонов кўчаси, 11 «а» уй (43, 93-автобуслар, 10, 27-трамвайларнинг «Северний Алмазар» бекати). Телефонлар: 48-16-22, 48-66-16.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ОЛИМЛАР УЙИ
30 дан 60 ёшгача бўлган
Ёлғиз кишиларни
«МУЛОҚОТ»
ПСИХОЛОГИК МУНОЗАРА КЛУБИГА
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Клубга уставга кўра паспорт кўрсатилиши билан қабул қилинади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 52-уй.

СССР Транспорт қурилиши министрлиги
ЎРТА ОСИЁ
МЕХАНИЗАЦИЯ
БОШҚАРМАСИ
АҲОЛИГА
ҚУЙИДАГИ ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАРНИ
КЎРСАТАДИ:

автотранспорт, автокранлар, ЭО-2621 А маркадаги экскаватор ажратиб бериш, майда токарлик ишлари, аккумуляторларнинг майда ремонт ишларини бажариш ва уларни зарядлаб бериш, автокамераларни вулканизациялаш.

Бошқарма адреси: 700044, Тошкент шаҳри, Венгерская кўчаси, 29-«а» уй. Телефонлар 55-47-19, 55-35-25.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
МЕҲНАТ БЎЛИМИ
ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ («Москвич» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Москва шаҳри) ГА
Ташкилий равишда ишга юборади

йиғувчи слесарь, тикувчи мотористка, кўприкли кранларнинг кранчиси, автомат линияларнинг оператори ва созловчиси, станокчи, штамповкачи, контакт усулида пайванд қилувчи пайвандчи ихтисосидаги ёлғиз эркаклар таклиф қилинадилар.

Ленин комсомоли номидаги автомобиль заводи — конвейер системасида ишловчи юқори малакали корхонадир. Завод асосан «Москвич» енгил автомобиллари ишлаб чиқаради.

Бир йил муддат билан меҳнат шартномасини тузган ишчиларга, завод томонидан бир йўла юз сўм ёрдам пули ва икки йил муддатга меҳнат шартномаси тузган тақдирда бир ярим йил ўтгач қўшимча яна юз сўм пул ёрдами, суткалик ҳақ, иш жойига етиб бориш ва шартнома муддати тугагач яна қайтиб келиш йўл харажатлари тўланади.

Ташкилий равишда ишга қабул қилинганларга қулай ва шинам завод ётоқхонасидан квартира типида жой берилади.

18 ва ундан катта ёшдаги ёлғиз аёллар йиғувчи, контролер ихтисослари бўйича ишлаш учун
ХАРЬКОВ ПОДШИПНИК ЗАВОДИГА
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИЛАР

Тегишли касб-кори бўлмаган кишилар ҳунарга корхонанинг ўзида ўқитилади.

Харьков подшипник заводи ишлаб чиқараётган подшипниклар билан «Жигули» автомобиллари, «Нива» ва «Колос» комбайнлари, вагонлар, локомотивлар ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кўпдан-кўп машиналар ҳамда жаҳондаги қирқ мамлакат ишлаб чиқараётган турли машиналар жиҳозланади. Бу замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада механизациялашган, завод меҳнат ва турмуш шароитлари жиҳатдан Харьков шаҳридаги энг яхши корхоналардан биридир.

Икки йил муддат билан меҳнат шартномаси тузган ишчиларга суткалик ҳақ, иш жойига етиб бориш ва шартнома муддати тугагач яна қайтиб келиш йўл харажатлари тўланади, корхонага етиб келиш билан уларга бир йўла 60 сўм ёрдам пули берилади.

Ташкилий равишда ишга борганлар шинам ва қулай ётоқхоналар билан таъминланадилар.

Справкалар ва ишга йўлланмалар олиш юзасидан қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона ва район ижроия комитетлари қошидаги аҳолини ишга жойлаштириш район пунктлари.

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ ҚОШИДА
ГРАЖДАНЛАРГА ТЕГИШЛИ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ВА УЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРИШ БЎЙИЧА
«АВТОМОБИЛИСТ» КООПЕРАТИВИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Кооператив кузовлар пайвандлаш ишлари, автомобилларнинг ҳаракатланувчи қисми, двигателлар, ҳамма маркадаги енгил автомобилларнинг электр асбоб-ускуналари, автомобилларнинг асосий узеллари ва агрегатлари, бўяш ишлари, аккумулятор батареяларини зарядлаш ва ремонт қилиш, ғилофлар тикиш ва линолеум тўшаш бўйича ихтисос-ремонтчиларга конкурсли қабул эълон қилади.

Кооператив кўрсатадиган хизмат турларига юқорида санаб ўтилган ишлардан ташқари, чунончи баъзи-бир агрегатларни, ремонтчилар томонидан талаб катта бўлган узел ва деталларни тайёрлаш, шунингдек дискалар ва бошқа зарур сиртқи деталларни лаклаш ҳам киради.

Барча ишлар мутахассислар томонидан кооператив территориясида амалга оширилади. Зарур бўлиб қолган ҳолларда кооператив автомобилларни ремонт қилиш ва уларга техника хизмати кўрсатишни буюртмачининг адресига бориб ҳам бажариб беради.

Кооператив адреси: 700007, Чинобод кўчаси, 33-уй (Тошкент нефть базасининг собиқ территорияси), 4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати; метронинг — «Пушкин» станцияси.

Тошкент Марказий универмаги

17 ЁШДАН 23 ЁШГАЧА БЎЛГАН, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БОР ҚИЗЛАРНИ

кенг профилдаги кичик саноат моллари сотувчилари тайёрловчи

8 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Машғулотлар «Мактаб-магазин» программаси асосида олиб борилади.
Курсларга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.
Ўқиш даврида ўқувчиларга 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Сотувчилар курсини тамомлаган ўқувчилар орденли Тошкент Марказий универсал магазинида ишлайдилар.
Машғулотлар группаларининг комплектлашувига қараб бошланади.

Справкалар юзасидан универмагнинг 3-қават, 26-хонада жойлашган кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон: 56-77-95.






ШАРИКЛИ РУЧКАДАН МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРГАЧА

СТУДЕНТЛАР ВА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН
«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» чакана савдо фирмасига қарашли магазинлардан
қуйидаги ёзув қуролларини харид қилишни
ТАВСИЯ ЭТАМИЗ:

шарикли ручкалар термасини — баҳоси 7 сўм 30 тийин.
фломастерларни — баҳоси 3 сўм.
рангли механик қаламлар термасини — баҳоси 1 сўм 25 тийин.
«Живопись» акварель бўрларини — баҳоси 70 тийин.
Готовальникларни — баҳоси 12 сўм.
Расм солиш учун мўйқаламлар термасини (ХХР) — баҳоси 6 сўм 60 тийин.
Акварель бўёқларини — баҳоси 70 тийин; 90 тийин; 1 сўм 10 тийин.
Микрокалькуляторларни: «МК-33—25 сўм; **«МК-42»**—40 сўм; **«СЦ-32»** — 120 сўм.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» чакана савдо фирмаси
(телефон 42-56-40).

Ўзингизни бардам ва тетик ҳис этасиз



«ЛЕСНОЙ» — хушбўй ҳид таратувчи, бадбўй ҳидни йўқотувчи воситадир; у дармон бериш хусусиятига эга.

Унинг таркибида қизил қалампир экстракти, ош тузи ва оромбахш этувчи «СЕЛЕНА», «ХВОЙНАЯ» моддалари мавжуд.

Хушбўй «ЛЕСНОЙ»ни ишлатиб, ванна қабул қилсангиз, ўзингизни бардам ва тетик ҳис этасиз.

Бир ваннага икки ош қошиғида (50 г) солинади.
Баҳоси — 1 сўм.

1-«УЗБИТПЛАСТИК» фирмали магазинида сотувда бор.

1-«Узбитпластик» фирмали магазини.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва ҳалқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 33-07-... шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 33-... фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ... бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ... —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 33-... «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 09084. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2487. Тираж— 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.